

АССАЛОМ, НАВРЎЗИ БАЛАМ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 32 (9.682) 2002 йил 20 март, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда



Файзу таровати беқиёс айём

МУШОИРА
НАВРЎЗОНА

*Дил дилга сафар тўтди,
Эл элга назар тўтди,
Ой йилга саҳар тўтди,
Наврўз келди оламга —
Кўк ерга хабар тўтди.*

*Ай, менинг кутганларим,
Кўзимга суртанларим,
Кўрклигим — куртакларим,
Новдаларда уйғониб,
Оламини тўртганларим.*

*Эрта-инди ёмғирлар
Еғар мисли соғинлар,
Кетмай бутун овриқлар,
Кўкарғайди боғу роғ —
Қиш қолдирган чориқлар.
Дил дилга тор бўлғайди,
Эл элга ёр бўлғайди.
Бу — наваҳор бўлғайди,
Менинг дафтарларим ҳам
Бинафшазор бўлғайди.*

*Гул, райҳон исми диёр,
Бугдой нон исми диёр,
Ширмой нон исми диёр,
Осмонлар эркалаган,
Ой, кўёш юзи диёр.
Менинг порлоқ кичим,
Улуғим ҳам кичим,
Айвонингда зийнатим:
Онам сувар сепганда
Янроқ ёзган бешигим.*

*Нур уйнар танга-танга,
На армон жон ва танда.
Асал, новот ҳам қанддай
Фарзандларинг туғилар —
Хар бири бир Ватандай.*

Сирожиiddин САЙИДИ

Энг қадимий, яхшилик ва эзгулик байрами ҳисобланмиш Наврўзи олам ҳамма ерда ўзгача кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Пойтахтимиздаги Хайридин Салоҳ номидаги 43-мактабда ҳам «Наврўз — янгилик, дўстлик ва баҳор байрами» мавзусида катта байрам тадбири ўтказилди.

Тадбирда Япония элчихонаси вакиллари, туман халқ таълими бўлими ходимлари, маҳалла фаоллари, ота-оналар қатнашдилар. Мактаб ҳовлисида давра қўриб, кўнрақлар рус, ўзбек, инглиз, япон тилларида Наврўз айёми мадҳ этувчи кўй-қўшиқларини ижро этиб, даврага янада файз киритишди.

Тантанани Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакили Таданори Кумано сўзга чиқиб, миллий байрамимиз Наврўзнинг ўзига хос тарзда тантанали ўтказилаётгани, шунингдек, мактаб ўқувчиларининг бошқа халқлар қатори Япония кўшиқларини ҳам заъф билан куйлаганларидан бениҳоя мамнун эканлигини таъкидлади.

Байрам тантанасида ушбу илм масканида ўқувчилар кўлга киритаётган муваффақиятлар алоҳида қайд этилди. Кечанда

САХОВАТ

Болалар қалби қувончга тўлди

Янгиликлар, меҳр-мурувват ва хайру саховат рамзи бўлмиш Наврўз айёми арафасида меҳр-муваффақиятларига бешта Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Ўртбошимизнинг байрам совғалари топширилди.


Юнусобод туманида жойлашган 21-меҳрибонлик уйида ўтказилган байрам тадбири ҳам болажонлар қалбида бир олам шодлик уйғотди. Бу ерда етти ёшдан ўн етти ёшгача бўлган 228 та болажонлар тарбияланади ва уларнинг ҳар бири Ўртбошимизнинг совғаларини олди.

— Наврўз биз учун энг ардоқли ва энг сеvimли байрамлардан биридир. — дейди Меҳрибонлик уйининг директори Алла Демчук. — Меҳр-муваффақиятга ташна болажонларимиз эса ушбу байрамни яна ҳам соғиниб кутадилар. Чунки ҳар бир қўлтуғ сананда болажонларимиз Президентимизнинг совғаларини оладилар. Уларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик

эса беқиёсдир. Болаларнинг таълим олишлари, келажакда яхши инсонлар бўлиб воляга етишлари учун барча шароитлар муҳайё. Биз, тарбиячилар уларга ҳар томонлама таълим-тарбия, меҳр беришга, давлатимизнинг бизга билдираётган ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

Меҳр-оқибат ва саховат байрами бўлган Наврўз айёми арафасида Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган 1035 нафар болажонларга наинки совға-салом, балки бир олам меҳр, оқибат, яхшилик, муваффақият улашилди. Президент совғаларининг улар учун нақадар қадри эканлигини, юракларидagi фохр-ифтихорни юз-кўзларидан илғаб олиш қийин эмас. Бу кун уларнинг хотираларида узок вақт сақланиб қолиши, шубҳасиз.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйларида Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган тадбирлардан лавҳалар.
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оксарида Туркия Республикаси Қуролли қўчалари Бош штаби бошлиғи Хусайн Қиврик ўглини қабул қилди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий, ҳарбий-техникавий алоқаларнинг ҳозирги аҳоли ва истиқболи билан боғлиқ масалалар тўғрисида сўз борди. Томонлар Афғонистонда амалга оширилаётган ақсилтеррор операцияси, минтақавий ва халқаро хавфсизликка оид, шунингдек, ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашди.
- Мамлакатимизга ташриф буюрган Туркия Республикаси Қуролли қўчалари Бош штаби бошлиғи Хусайн Қиврик ўгли раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон мудофаа вазири Қодир Фуломов ва Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комиллов билан музокаралар ўтказди.
- Боливия пойтахти Ла-Пас шаҳрида кураш бўйича Панамерика биринчи чемпионати бўлиб ўтди. Ана шу биринчи тарихий Панамерика чемпионатининг иштироки ва ташкилотлари номида Панамерика кураш конфедерацияси президенти, Боливия кураш федерацияси президенти Эдгар Клауре Халқаро кураш ассоциацияси Фахрий Президенти, Ўзбекистон Республикаси Пре-

зиденти Ислам Каримов номига мактуб йўллади.

- НАТО Бош қотиби ўринбосарининг ёрдамчиси, НАТО директорининг сийёси масалалар бўйича бошлиғи Даниел Спекхард Тошкентга расмий ташриф буюрди.
- Кеча Олий Мажлиснинг Саннат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси Олий Мажлиснинг VIII сессияси олдидан ўз йиғилишини ўтказди. Қўмита аъзолари сессия кун тартибига киритилиши мўлжалланган масалалар юзасидан ўз муносабатларини билдирдилар. Йиғилишда шунингдек, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конунинг Тошкент вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди.
- Наврўз байрами арафасида Самарқандда хитойлик сармоядорлар билан ҳамкорликда барпо этилган «ALLA-CAM» қўшма корхонаси, грузиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Қамол-Г лдани» қўшма корхонаси ишга туширилди.
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш департаментига бўлиб ўтган иқтисодий хавфсизликни таъминлашда прокуратура органларининг ўрни ва аҳамиятига бағишланган анжуманда Бош прокуратура ҳамда солиқ инспекцияси ходимлари, АҚШнинг адлия департаменти вакиллари иштирок этди.
- Бекободда Қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- Хабар қилинганideк, кеча мамлакатимиз пойтахтининг муҳташам «Туркистон» саройида анъанага айланган «Ташаббус-2002» республика кўрик-танловининг навабтадаги солиблар аниқланди. Барча номинантларга солиблар. Ватанимизда ишлаб чиқарилган «Матиз» автомобилли билан мўқофотландилар.
- Бугун пойтахтимизга Тошкент билан биродарлашган АҚШнинг Сизетл шаҳри делегацияси ташриф буюрди. Делегацияга «Тошкент-Сизетл» биродарлашган шаҳарлар уюшмасининг вакили Гери Фурлон раҳбарлик қилмоқда.

● Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Ўзбектеlevision» студиясида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган суратта олинган ҳужжатли фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Тошкентдаги Бизнес марказида мамлакатимиз ўрта умумтаълим муассасалари учун 225 минг АҚШ доллари миқдоридagi грант топширилди.

● «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Китоб тумани бўлими ташаббуси билан ташкил этиладиган «Фахрийлар боғи»га дастлабки ниҳоллар ўтказилди.

● Бугун республикамиз пойтахтида ҳаво булутланиб турди. Шарқдан сонясига 5-10 метр тезликда шамол эсиб турди. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги сонясига 15-17 метрни ташкил этди. Бугун кечаси ҳароратнинг 9-11 даража бўлиши, эртага кундузи эса ҳароратнинг 20-22 даража бўлиши кутилмоқда.

Жаҳонда

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОИ
Дам олиш кунини 2002 йил 24 март
якшанба кунидан 22 март жума
кунига кўчириш тўғрисида

Наврўз байрамни нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнатқашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Дам олиш кунини 2002 йил 24 март якшанбадан 22 март жумага кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2002 йил 19 март

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОИ
Иш ҳақи ўз вақтида
тўланишига доир қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар ходимларига иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун ҳўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2002 йил 1 апрелдан бошлаб мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотларнинг иш ҳақини товарлар билан натура шаклида тўлаши тақиқлансин, қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган, ходимларнинг ёзма аризасига кўра шартномавий нархларда берилмаган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари бундан мустасно.

2. Тижорат банклари: тегишли қафолат билан, шу жумладан юқори ликвидли мол-мулк гарови асосида (шу жумладан корхоналар ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектлари, транспорт воситалари ҳамда бошқа ликвидли активлари) иш ҳақи тўлаш учун ҳўжалик юритувчи субъектларга кредитлар берсинлар. Белгилансинки, кўрсатиб ўтилган кредитлар ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулк, қарз олувчининг розилигидан қатъи назар, кейинчалик белгиланган тартибда уни сотиш ҳуқуқи билан тижорат банкининг мулкига ўтади;

тегишли равишда байкоматлар тармоғини қўпайтирган ҳолда электрон пластик қароқчалар воситасида иш ҳақи тўлашга доир банк хизматлари ҳажмини кенгайтиринсинлар.

3. Белгилансинки, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавоб берадилар.

Ҳўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклларида қатъи назар ҳўжалик ҳисобидagi корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари: меҳнатга ҳақ тўлаш тариф сеткаларининг рағбатлантирувчи ролини ошириши, меҳнатга ҳақ тўлаш жағмарасмининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашининг тариф сеткаларини бир ой мuddатда қай-

та қўриб чиқсинлар; ҳар бир ходимни тегишли даврда унга тўланадиган иш ҳақининг таркибий қисмлари, ушлаб қўлинган пул миқдорлари ва унинг асослари, шунингдек тўланадиган умумий пул суммаси тўғрисида мажбурий тартибда ёзма шаклда хабардор қилсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг иш ҳақини ўз вақтида тўлашининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибга риоя қилиши устидан назоратни кучайтирсин ҳамда иш ҳақи бўйича мuddатли ўтказиб юборилган қарзлар ҳосил бўлган ҳолларда айбдор шахсларнинг жиноий жазолашгача жавобгарликка тортинсин.

5. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига, касаба уюшмаларининг тармоқ кенгашларига вазирликлар ва идоралар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишда ва ўз вақтида тўланишини таъминлашда жамоа шартномаларининг, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа норматив ҳужжатларининг ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар қўриш тавсия этилсин, чора-тадбирларда иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги учун иш берувчиларнинг моддий жавобгарлиги чоралари назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта мuddатда: Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги, шунингдек, иш ҳақи ўз вақтида тўланиши таъминланмаганлиги ёхуд иш ҳақи тақиқланган шаклда тўланганлиги учун вазирликлар, идоралар, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва тижорат банклари раҳбарларининг жавобгарлигини, шу жумладан моддий жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи таклифларни киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2002 йил 19 март

ДУНЁ ЯШАРМОҚДА

Яна Наврўзи олам! Дунё яшармоқда, мамлакатимизда олам-олам қувонч. Куёш нурлари ҳамма ерга баробар тўшиб турибди, боғларда гули-раънолар, тоғларда лолалар алвон, ширин-шарбат мевалар, ризку рўзимиз бугудою дон-дунлар етилмоқда, аммо... Таассуфки, баъзи ўнгуларда чакир тикангау алафлар ҳам пайдо бўлди. Бу йилнинг Наврўзи шодибоналари бошқача, унинг шарофати билан дунёдаги ўша чакиртиканаклар — ёвуз террорчилар галасининг илдизига болта урилди, замин покланмоқда, халқлар тинчлиги сақланмоқда. Бу гоётда буюк иш, тенгсиз жасорат!

Моддий дунё ҳаракатда, буюк шоир таъбирича: «Энг кичик заррадан Юпитергача, ўзинг мураббийсан, хабар бер Куёш!»... Наврўзи олам наинки заминимизда, у бизларнинг қалбларимизда барқ урмоқда. Мутъеликка маҳкум ўзбек мустақиллик шарофати, қиёси йўқ бахту икболи турфайли ўзлигини таниди, қаддини рўстлади, бошини баланд турди. Шуру замонда таққиланган, аслида минг асрни кўрган Наврўз байраминида халқ яйрамоқда. Яйра, фахр эт, эй, она - юрт!

Ватанини шод этмоқ йўлида баъзан ношод бўлмоқлик ҳам бор, кайта меҳнату жасорат, иноқлигу бағрикенглик, гайрату матонат халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, бунақа саховатли халқ дунёда камдан кам учрайди! Ўзбек бойиса том солар, деган мақол бор — пойтахтимиз жамоли таъриф у тавсифга сиғмас даражада гўзал бўлди, ба-

ланд тоғлар оралаб равон йўллар солдик, иншоотлар, Шўртан гиганти, қасрлар, спорт майдонлари... Найтаберасқ қилинган ишларнинг чегараси йўқ. Барака топинлар, кам бўлманлар, азиз биродарлар! Бу буюк ишлар хамидан қил суғургандек бўлаётгани йўқ, улар айём кунлари азамат халқимизни чин қоракдан қутлаб, қувончларимизни издор этасқ шодибоналаримизга ярашади. Ўзбекистон мамлакатимиз номи океанлардан оша Америка Қўшма Штатларида, Европада, Шарқда — Хиндистону Миср, Хитойю Жанубий Корейда машҳур бўлиб, дўстлик ришталари боғланди — алоқаларимиз муस्ताқамланмоқда. Бу ҳам сиёсатимизнинг донлиғидир. Терроризмини химоя қилган толибонлар салтанати Афғонистонда тугади. Салкам чорак аср қонли уруш уқубатига силласи қуриган Афғон халқига ёрдам бермоқдамиз — Термиз номи дунёга машҳур бўлди. Афғон замининда буюк аждодларимиз Мир Алишёр Навоий, Бобуршоҳ ва бошқа улуг инсонлар хоки-пойи ётибди, ён қўшимиз бизга қадрдон.

Дунё яшармоқда, гўзал Ўзбекистонимиз йилдан йилга куч-қудратга тўлмоқда — бу бизнинг бахтимиз. Ёш авлод ўсиб, камол топмоқда — бу ҳам бахтимиз, кўпни кўрган кекса авлод яшармоқда — бу ҳам катта бахтимиз. Биз кексалар шундай бахорий ўлкада кўп йиллар яшагимиз келсади, Аллоҳ ўзи химоя этсин, кекса дунё яшарбегини!



Файзу таровати беқиёс айём



Байрам дастурхонига

Ким ҳам байрам дастурхонининг файзли бўлишини истамайди, дейсиз. Ана шунинг назарда тутган пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг қандолатпазлари ўзларининг шириндан шаклар махсулотлари билан байрамга файз бағишлаш ниётида меҳнат қилишди.

«Табон» хусусий корхонаси тадбиркорлари томонидан хориж технологияси асосида тайёрланган 10 турдаги ширинликлар дўконларимизда ўз хариддорларига мунтазир. «Наврўз» деб номланган тортлар, қулчатоқ ширинлиги ва бошқа қандолат махсулотларини жамоянинг 30 нафардан зиёд қандолатпазлари ўзгача меҳр билан тайёрлаб, ҳамшаҳарларимизга тортиқ этишди.

«Туфин» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси мутахассислари харидор талабидан келиб чиқиб, янги махсулот турларини яратишга ҳаммиша эътибор қаратишади. Шу боис ҳам байрам арафасида корхонанинг 150 хиллик махсулотлари қаторига яна бир неча турдаги ширинликлар қўшилди. Харидорларга ёққичи шубҳасиз бўлган ушбу ширинликлар орасида «Атиргул» деб номланган гулнуса мармеладлар, бежирим ва чиройли қадокланган шоклодларнинг бир неча турлари маъжуд.

«Қандолат-руста» масъулияти чекланган жамияти ишчи-хизматчилари эса байрам дастурхони учун шарқ ширинликлари — новот, холва, парварда, обкидандон ҳамда маккажўхори ва сулили печенелар тайёрлашди.

«Уйлаймизи, шарқона байрамимизга жамоямиз ақли меҳнати билан тайёрланаётган шарқ ширинликлари муносиб тўхфа бўлади, — дейди масъулияти чекланган жамият раиси Мансур Муталов.

«Лаз Оглу» ўзбек-турк қўшма корхонасида чет эл технологияси асосида маҳаллий хом ашё-

дан тайёрланаётган шохин холвалари ҳам дастурхонингиз беэзаги бўлиши билан бирга ёқимли хушталми билан озгинида мазаси қолади. Энг қувонарлиси, какаоли, ванилилли ва ерёмгокли бу холвалар харидор эҳтиёжига қараб 300 граммлик пластмасса идишларда қадокланган ҳолда тайёрланган.

«Зебунисо-она» хусусий корхонасида эса 4 хилдаги карамель ширинликлари ҳамда «Дилором», «Олтин куш», «Қизил шапкача» сингари вафлилли шоклодлар ишлаб чиқарилади. Пойтахтимиздаги савдо шохбачаларидан ушбу сифатли махсулотларни топишишга мумкин.

«Анат» қўшма корхонасининг чаквосида ичимликларининг 10 дан ортки турли байрам учун энг яхши совгадир. Жамоя тадбиркорлари меваларнинг табиий таъминоти берувчи ушбу ичимликларни коксақ унумли хорижий технология асосида тайёрлашган. Идишларининг бежиримлиги ҳам дастурхонга ўзгача гўзаллик бахш этади.

(Ўз мухбиримиз)

Биз — ўзбеклар фирдавсонанд юртимиз билан ҳар қанча фахрланасқ арзийди. Унинг серҳосил тупроғи, мусофиро осмони, танги одамларидан ҳар қанча ифтихор этсак-да кам. Шунингдек, бизнинг байрамларимиз ҳам ўзгача, айёмларимизда ўзига хос. Тўғри, байрамлар ҳамма юрда ҳам бор, аммо барибир биз қутлуг кунларни ўзгача иштиёқ билан қутамиз. Хусусан, фасли навбахорда улуг айём Наврўзни алоҳида интиқлик ила соғинамиз. Негаки, Наврўз фақатгина қандайдир тадбирларни ўтказадиган, маълум бир

Наврўз кунлари қиш манзиллари — қишлоқлардан ёғи меҳнат ва ҳордиқ масканларига кўчиб ўтишган. Шунингдек, жамоя-жамоя бўлиб, ҳашар-ошарлар уюштирилган. Ўтган аждодлар руҳи ёл қилинган. Уларнинг мазорлари ободонлаштирилиб, қўқаламзорлаштирилган. Оммавий равишда мевали, манзарали дарахлар ўтқазилган. Далаларда, ёзқоқларда Наврўз — янги йил, янги ҳаёт қайнаган.

Наврўз байрамини атаб аждодларимиз махсус кийимлар тайёрлашган ва уни байрам либоси сифатида кийишган.

Наврўзининг муборак,

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ Марҳабо эзгулик тонги!

маросимларни белгилайдиган сана эмас. Асло, Наврўз бир сўз билан айтганда, қадр-қиммат, меҳр-оқибат айёмидир. У яшариш, янгиликни демасқидир. Наврўз баҳона гина-қудуратлар унутилди, арашланган орасидан хафагарчилик ариди. Нуроний отахону онахонлар дуога қўл очиб, яратқан ризку рўз, насибамизга барокот тилайдилар. Бободоҳон эса эзгу ниётлар билан ерга уруғ қалайди.

Наврўз Шарқ халқларининг азалий айёмидир. Ушбу шодибона баҳона маҳалла-қўй, ақли-қариндош бир хонадонга йиғилиб хурсандчилик қилишган. Дошқозонда сумалақ қайнатишиб, тонг отар базмлар ўтказилган. Ота-боболаримиз, буви-момоларимиз бу байрамни нишонлаб, турли-туман ранг-баранг удум ва маросимларда иштирок этишган. Қадимда аждодларимиз

Наврўз таомлари ўзига хос бўлган. Наврўз байрамининг энг аҳамиятли жиҳатларидан бири — кексаларга хурмат, уларнинг ҳолидан хабар олиш, ёрдамга муҳтожларга қўмақ беришдир. Шунингдек, бу кунлар марҳумлар ёдига жуда катта эътибор берилган. Мас-жиду мадраса, хонадону маҳалла, қабристонун зиёратгоҳларда қўрьон ўқитилиб, жонлиқлар сўйилган. Етим-есирлар учун катта дошқозонлар осилиб, қурбонлик таомлари пиширилган. Умуман олганда, Наврўз баҳона дилдаги барча эзгу ниётлар рўёбга чиққан. Шундай экан, ўн бир ёшга қадам қўйган Ватанимизнинг бу галги Наврўзи юртимизга янада файз-барокат, осойишталик олиб келсин. Марҳабо Наврўз!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

МУШОИРА Ойдин ХОЖИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири

БУ ШАВҚУ БАХШИ САНДА КЕЛUR

Яна илхом баҳор бирла
Яшарган гулшанда келур.
Сўқир тошлар, чўтир тошлар
Лабларина ханда келур.

Бу кўнгила ёғиб селлар,
Булутга чирманда келур.
Ганимга танг бўлиб йўллар,
Тўри пароканда келур.

Курган кўлга дарёлик —
Мавжи орзуманда келур.

ГУЛ ФАСЛИ

Қайдан бу пушти вулкан, —
Портлаган баҳоримкан?
Хар нафасда — ҳаяжон,
Оташн икроримкан?
Оёғимда ер унут,
Бошимда йўқдай осмон,
Тикилиб қолдим беҳуд

ХАР ҚУНИМИЗ ШУИ

Тупроқни уйғотиб майса чўзди буй,
Табиат келиндек бунчалар хушрўй,
Баҳор кунларига ҳар бир кунинг тўй
Халқим, бу кун сенга Наврўз муборак!

Бош узра қуёш ҳам қилади ханда,
Мунис бир туйғулар меҳмондир
танда.

Истиклол шамоли эсгай Ватанда,
Халқим, бу кун сенга Наврўз муборак!

Булбул лисонида ишқ тўла хонис,
Гулнинг кўзларида севиниш, ёниш.
Бунда ҳар бир япроқ ўзинга таниш,
Халқим, бу кун сенга Наврўз муборак!

Аждодлар пок руҳи бизларга мадад,
Момолар дуода — бўлсин ижобат,
Хали айтилмаган сўзлар беадад,
Халқим, букун сенга Наврўз муборак!
Муқаддас ЮСУПОВА

УЙ МУБОРАК!


Энг яхши тухфа

Наврўз шодибонаси кунларидан шаҳримиздаги кўпалак оилалар янги ўй қалитларини кўплагига олиб қўшалоқ байрамни нишонлайдилар. «Ўзуйбойхамгармабан» буюртмаси асосида толасма кўлли курувчиларнинг самарали меҳнатлари эвазига қад ростилаган Хўвайдо кўчасидаги 12- Мухбир кўчасидаги 10- Нукус кўчасидаги 1-«а» ҳамда 2-уйлар фойдаланишга топширилади.

Нукус кўчасига чирой бахш этиб турган, хонадон соҳиблари орзиқиб қутган 1-«а» ўй 46 оилага, 2-ўй эса 59 оилага мўлжалланган бўлиб, яшовчилар учун барча қўлайликлар маъжудлиги билан ажралиб туради. Ушбу уйлари турар жўй бинолари қурилишида тажрибага эга бўлган «Ўйқўришлиш» акциядорлик жамиятига қарашли 1-қурилиш конвейери бошқармаси бунёдкорлари тиклашди. Қурилиш майдонига 100 нафардан ортки турли хунар эгалари бор маҳоратларини намойиш этишди.

Байрамга тўхфа билан келиш халқимизда азалий одатдир. — дейди ишбос Мирворис Соатов. — Биз курувчилар бунёд этган иншоотларимизни хонадон эгаларига айнан Наврўз байрами арафасида тўхфа қўлаётганимиздан беҳад мамнунимиз. Ишонимизки, ушбу замонавий, барча қўлайликларга эга, кенг ва шина хоналарда яшаган оилалар, албатта меҳнатимиздан мамнун бўлишади. Уларни шоду хуррам кайфиятлар эса меҳнатимизнинг муносиб баҳоси сифатида юзимишн еруғ этиши, шубҳасиз. Биз эса халқимиз қувончига шерик бўлаётганимиздан беҳад фахрланамиз.

Дилноза ГИЁСОВА



қўшиқ, лапарлар, ёр-ёру, аллалар айтиб давраларга файз киритиб келмоқда. — Мен Санталат она билан кўн давраларда, сафарларда бирга бўлганман, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрова. — Қарда бўлсак даврамизда Санталат она бўлса бас, ҳеч зериктирмайдилар, жуда хушчакчақ, қўшиқ, лапарлар айтиб ҳамманинг қўнлига яхши кайфият

қадимий миллий идишими, кийимларим олиб келганман. Хозир ўй-музейимда 2000 дан ортки экспонат маъжуд, бир қисмини Темурийлар тарихи давлат музейига ҳада қилганман. Саққиз ўғил, беш қизим, келинларим ва яна учта асраб олган фарзандим, бири биридан ширин 54 неварра, 3 та эварам бор. Оллоҳга шўқр, ҳаммалари ахил-иноқ,

ШУКРОНАЛИК

СУМАЛАК БИР БАҚОНА...

бағишлайдилар. У кишидаги бунча гайрат, завқ-шавқни қўриб ҳавасимиз келди. Хар йили Наврўз байрамиде бизни хонадонларига тақлиф қилиб сумалақ билан сийлайдилар. Хонадонлари доимо меҳмонлар билан гавжум бўлади. Сумалақ пишаётган қозон атрафида елиб-югуриб меҳмонларни очик чехра билан қарши олаётган Санталат айдан шу ёшда кўн нарсаларга илхос қўйган билан, сумалақнинг хосиятлари ҳақида сўрадик. — Мен ёшлигимдан ўзбек миллий либослари, турли хил тарихий буюмларни йиғашга қизикман. Жуда кўп шахар, қишлоқларда бўлганман. Қарга борсам,

кадимий миллий идишими, кийимларим олиб келганман. Хозир ўй-музейимда 2000 дан ортки экспонат маъжуд, бир қисмини Темурийлар тарихи давлат музейига ҳада қилганман. Саққиз ўғил, беш қизим, келинларим ва яна учта асраб олган фарзандим, бири биридан ширин 54 неварра, 3 та эварам бор. Оллоҳга шўқр, ҳаммалари ахил-иноқ,

Катта дошқозонда тайёр бўлган сумалақ олдида Санталат ая дуога қўл очиб, эзгу ниётлар билан сумалақни пиллаларга сузиб меҳмонларга тарқатар экан, яна бир бор эзгу ва савоб ишларидан кўнгли ёришиб, дилдан қувончи хиргойи қилиб, лапар айтишини бошлади, унга меҳмонлар жўр бўлишиб яна ўйин-қулги, базми жамшид бошлади. Бу албатта қутлуг кўнлар шукронаси, бахтиёр турмушимиздан дарахдир.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: Санталат ая Сиддиқова шундай қутлуг кўнларга шукроналик айтиб меҳмонларга сумалақ сузмақда.
Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.



Боқий байрам таровати

Янгиланиш айёми Наврўзни юртдошларимиз билан бир қаторда мамлакатимизда ахил-иноқ яшаб, жамият ривожига ўзининг салмоқли хиссасини қўшиб келаётган 100 дан зиёд бошқа миллат ва элат вакиллари ҳам қувонч билан қарши оладилар.

Наврўзи олам арафасида муҳбиримиз юртимизда фаолият кўрсатаётган айрим миллий-маданий марказларнинг раҳбарлари билан мулоқотда бўлди.

Валентина ТАКАЕВА,
Украин «Батькивщина» миллий-маданий маркази раҳбари:
— Хар бир халқнинг ўз анъаналари, урф-одатлари ва байрамлари бўлади. Лекин, тан олиш керак, Наврўз ўзгача байрам, балки меҳр-мурувват ва саховат айёми эканлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Сабаб Наврўзда кўнгли меҳрга ташна инсонлар холидан хабар олинди, уларга байрам тухфалари улашилди. Бир сўз билан айтганда, эзгулик тимсоли бўлиши Наврўз айёми хар бир инсонга бахт келтирсин. Утган йилда ушлаган озуларга Наврўзда етишиш хар кимга насиб қилсин.

Исмоил Рустам ўғли МАМЕДОВ,
Озарбайжон «Гардошлик» миллий-маданий маркази раҳбари:

— Бир-бирига қондош, биродар ўзбек ва озарбайжон халқларининг дўстлиги мустақиллик йилларида янги чўққиларга кўтарилди. Чунки бизнинг анъаналаримиз, урф-одатларимиз, байрамларимиз ҳам бир. Эзгулик ва мурувватни ўзига жо этган қадимий байрам Наврўз шубҳасиз озарбайжонлар учун ҳам энг улуг айёмлардан бири ҳисобланади. Янги йилнинг, янги куннинг бошланиши бўлиши Наврўзи олам билан ўзбекистонликларни қутлар эканман, бу айём хар бир инсонга бахт-саодат келтирсин. Қарияларни қадрлаш йилда ўзгача қувонч ила нишонланаётган Наврўзда хар бир инсоннинг ниютлари ижобат бўлсин.

Николай ТОДОРОВ,
Болгар миллий-маданий маркази раҳбари:

— Иккинчи она Ватанимизга айланган ўзбеклар замини ажойиб дийёр. Истибод йилларида ҳам қадимий анъанаю урф-одатларини, Наврўз каби байрамини унутмаган, ардоқлаб асраган оққўнғил, меҳмондўст ўзбек халқини, барча ўзбекистонликларни эзгулик айёми билан чин юракдан табриклайман. Чунки Наврўз — янги кун, янги йилнинг бошланишигина эмас, кишиларга эзгулик уруғини сочгувчи айём ҳамдир. Хар бир оилага тинчлик, хотиржамлик тилган ҳолда Наврўзингиз муборак бўлсин дейман.

Лемана ДЖЕМИЛОВА,
Крим-татар «Авдет» миллий-маданий маркази раҳбари:

— Гўзаллик, нафосат ва эзгулик байрами Наврўз арафасида шуни қувонч билан таъкидламоқчиманки, серкўш ўзбекистонда крим-татар ўзбек халқи билан ёнма-ён тотув яшаб, тараққиёт ривожига ўзининг озми-кўпми хиссасини қўшиб келаётди. Хар йили Наврўзни қувонч ила нишонлайдиган крим-татарлар номидан ўзбекистон халқини қутлар эканман, хар бир оилага бахту саодат ёр, осмонимиз мусаффо, тинчлигимиз барқарор бўлсин дейман.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ ёзиб олди.

ЎМ ШАХРИМ ~ ЧАМАН ШАХРИМ

Ёшу қари орзиқиб кутган баҳор ўзининг гулу гулзорлари, ашил либослари билан бурканиб Наврўзи оламини қарши олмақда. Ушбу дамда шаҳримиз тароватига ўзгача жозиба, чиройлик давлат ўҳжалиги боғбону гулчиларининг ҳам қўли-қўлига теғмайди. Улар қалб қўри, касб маҳорати билан парваришлаган маҳсулотларини ҳамшаҳарларимизга пойтахтимиз чиройини янада кўркамлаштириш учун этказиб беришмоқда.

— Ҳўжалигимизда етиштирилган барча маҳсулотларимиз шаҳримиз майдону хийбонлари, шохқўчаю истироҳат боғларига файз бағишлаганидан фахрлансақ арзийди. — дейди ҳўжалик раҳбари Абдулазиз Мўҳримов. — Айниқса, баҳор кириб келиши билан қизгин тус олган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари жамоамиз зиммасига ҳам қатта масъулият юклайди. Наврўз олди тараддули, ундан кейинги кўкаламзорлаштириш ишларининг давом этиши ҳўжалигимиз меҳнат маҳсулини ҳам яна бир бор намоён этади.

Жорий йилда пойтахтимизда шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан «Тошкентни гуллар шаҳрига айлантирамиз» деган маҳсул дастур режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан, туманлардаги шохқўча ва майдонлар ўзига хос анвоий гулларга бурканади. Шунингдек, хар бир қорхона, ташкилот, муассаса, ўқув юртлари, мактаб, боғчалар ҳовли

Ушанда Зўхра ая қилладан чиққан келинчақ эди. Қўни-қўшни аёллар маслаҳатини бир ерга қўйишди-да, сумалак қилишга аҳд қилишди. Чунки айни баҳорда яқинлашиб келаётган Наврўз айёми арафасида сумалак қилмай бўларканми? Бирок, бундан туман катталари, айниқса Халима махон хабар топмасин-да. Хуллас, Зўхра 3-4 кунда бугдой ундирди. Игна бўйи ниш урган буг-

«Замонамдан ўргилай, болам...»

дойни кесиб келида туйди, ширасига ун солиб ҳовлида кичкина ўчоққа қозон осиб қўшиллар ҳамроҳлигида сумалак қайната бошлашди.

Аслида ташқаридан кузатганда ҳам бу ҳовлида одатдагидек таом учун бекалар қозон қайнатаётгандек туюларди. Аммо, маҳаллада бирон гап тез тарқалиб қолмапти. Хуллас, сумалак тобиға келганида бирдан ҳовлига туман хотин-қизларининг «сардор» Халима ёнида икки-уч «формали»лар билан кириб келди-ю, ҳаммининг таъбини хира қилди-қўйди.

— Эскилик сарқитику бу сумалак тайёрлаш. Сизларга ўхшаган 3-4 галамис сабаб ҳалиям

ва ён-атрофларида турфа гуллар экиш ҳам дастурдан ўрин олган.

Ана шу дастурнинг баҳарлишига муҳим ҳисса қўлиши ниятида ўтган йилгидан 2,5 баравар кўп 25 хилдаги 2 миллион донга гул кўчатлари етиштирилди. Бу гуллар орасида атиргул, целлозия, тагатис, гүлтожиқўрос, ири-зина, сеткреазия сингари кўп йиллик ҳамда бир йиллик гул кўчатлари мавжуд. Шунингдек, кўкаламзорлаштириш юмушларини ўз вақтида амалга оширишлари учун ҳамшаҳарларимизга 70 минг тулға яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб берилди. Уларнинг 20 минг тулдан ортиги олма, шафтоли, ўрик, нок дарахтларидир. Уста гулчи ва боғбонларимиз бу ишга сиздиқилдан ёндошишмоқда. Айниқса, Жаҳонгир Исмоилов, Равшан Илхомов, Зокир Умаров, Хасан Сайдақбаров сингари ишчи-хизматчиларимизнинг меҳнатлари тахсинга лойиқдир.

Яна шуни қувонч билан айтишим лозимки, Наврўзи олам тантаналари бошланадиган А.Навоий номидидаги миллий боғда барпо этилган «Наврўз» сахна мажмуаси ён атрофини ҳам ҳўжалигимизда етиштирилган гуллар безайди. Ушбу анвоий гуллардан шаҳримиздаги «Флора» гул дўкони мутахассислари ўзгача руҳда байрам шодийнасига мослаб безаш ишларини амалга оширишди. Ундан шодийна қатнашчилари ва томошабинларгина эмас, балки юртимиз меҳмонлари ҳам завқ оладилар.

Ҳақиқатан ҳам юртимиз байрамларига бой. Тантанали кунларни эса турфа гулларсиз тасаввур этиш қийин. Шу боис ҳам мусаффо осмонимиз доимо чарқласину ходимларимизнинг анвоий гуллар етиштириб асло қўллари толмасин. Ҳамшаҳарларимиз гуллар бўйидан баҳра олишсин. Қадимий Наврўзимизга эса гулчуечаклар поёндоз бўлаверсин.

Шарифа ИЛЁСОВА

одамларни янгича ҳаётга ўргата олмаямиз. Хотин-халак минг ялиниб-ёлворганим «формали»лар сумалакни тўқиб ташлашди.

Замоналар ўзгарди. Халима ва унга ўхшаганлар ўз-ўзидан четга чиқиб қолди. Истиқлол шарофати ила хар йили Зўхра ая фарзандлари, новара-чеваралари билан биргаликда Наврўз арафасида сумалак тайёрлайди.

Яқиндагина Зўхра ая хонадонидан тайёрланган сумалакдан татиб кўрдим. Аянинг холидан хабар олиш мақсадида холиларига кирдим.

— Замонамдан ўргилай, болам, — дейдилар фахр билан ая, — бу кунларга етказганига шукр. Дарвоқе, Зўхра ая энг ақлиқ тортиб эндигина ўрнидан турган ҳам эдики, дарвозадан қаддини тутолмай хассаса суяниб келаётган, бир вақтлар ҳамминани титратган Халима аяни кўриб қучоқ очди. Халима аянинг юз-қўзларида эса аллақандай ҳадик, йиманиш зуҳр этиб турарди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Эзгулик, меҳр-мурувват, оқибат ва миллий қадриятларимизни ўзида жамлаган умрбоқий Наврўз айёмида меҳрга муҳтож, ногирон, кам таъминланган оилалар, нуруний қариялар йўқланади, уларнинг кўнгиллари кўтарилиб, баҳорий ҳўшнудлик улашилади. Шаҳримизда фаолият юритаётган Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳам айни кунларда мана шундай савобли ва хайрли ишларга бош-қош бўлиб, меҳрга муҳтож инсонлар оғирини енгил қилиб келаётган ташкилотлардан биридир.

САХОВАТ

Эл хизматига камарбастамиз

— Наврўз халқимизнинг энг қадимий, севилими ва доимо орзиқиб кутадиган байрамидир, — дейди биз билан суҳбатда халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳар бўлимининг бошлиғи Калон Шодиев. — Биз ҳам умумхалқ байрамига ўз улуғлигини қўшиш мақсадида Тошкент шаҳар оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси билан биргаликда «Энг обод маҳалла» кўрик-танловини эълон қилдик. Мақсадимиз кам таъминланган, меҳр-шафқатга муҳтож оила ва фуқароларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишда намуна бўлган, гўзал пойтахтимизнинг гулу че-чақларга бурканиб, энг озода шаҳарга айланишига хисса қўшган маҳаллани аниқлаш ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантиришдан иборатдир. Умумхалқ Наврўз байрамига бағишлаб жойларда — меҳрибонлик ва қариялар уйларида, маҳаллаларда ўтказиладиган хайрия тадбирларига 1.000.000 сўмга яқин маблағ хайрия сифатида сарфланади. Дарвоқе, Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш бўйича ташкилий комиссия аъзоси сифатида шуни айтишим мумкинки, баҳор кунларида шаҳар бўйича 323.500 дан ортиқ атиргул, 168.350 донга канн гули, 1.286.550 донга гул йиллик гуллар, жами 1.778.400 донга гул, 71.450 тул дарахт экилади. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шаҳримизни кўрганда кўз қувнайдиган гулзор гўшага айлантириш учун жами 142.604 минг сўм пул маблағи сарфланади. Уйлайманки, хар бир ҳамшаҳримиз экилган довдарахт ва гуллар парваришига эътибор қаратса, пойтахтимиз янада чирой очади.

Ҳамшаҳарларимизнинг энг қадимий, севилими ва доимо орзиқиб кутадиган байрамидир, — дейди биз билан суҳбатда халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳар бўлимининг бошлиғи Калон Шодиев. — Биз ҳам умумхалқ байрамига ўз улуғлигини қўшиш мақсадида Тошкент шаҳар оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси билан биргаликда «Энг обод маҳалла» кўрик-танловини эълон қилдик. Мақсадимиз кам таъминланган, меҳр-шафқатга муҳтож оила ва фуқароларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишда намуна бўлган, гўзал пойтахтимизнинг гулу че-чақларга бурканиб, энг озода шаҳарга айланишига хисса қўшган маҳаллани аниқлаш ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантиришдан иборатдир. Умумхалқ Наврўз байрамига бағишлаб жойларда — меҳрибонлик ва қариялар уйларида, маҳаллаларда ўтказиладиган хайрия тадбирларига 1.000.000 сўмга яқин маблағ хайрия сифатида сарфланади. Дарвоқе, Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш бўйича ташкилий комиссия аъзоси сифатида шуни айтишим мумкинки, баҳор кунларида шаҳар бўйича 323.500 дан ортиқ атиргул, 168.350 донга канн гули, 1.286.550 донга гул йиллик гуллар, жами 1.778.400 донга гул, 71.450 тул дарахт экилади. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шаҳримизни кўрганда кўз қувнайдиган гулзор гўшага айлантириш учун жами 142.604 минг сўм пул маблағи сарфланади. Уйлайманки, хар бир ҳамшаҳримиз экилган довдарахт ва гуллар парваришига эътибор қаратса, пойтахтимиз янада чирой очади.

Фаолиятимиз хақида тўхталадиган бўлсам, жамғармамиз илк фаолиятини бошлаган кунларданок аҳолининг ижтимоий ҳимогга муҳтож қисми — ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, ёрдамга муҳтож инсонларга имкон қадар ёрдамлашиб, уларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хар бир байрамда беиминат хайрия ишларига ўз хиссамизни қўшиб келамиз.

Хусусан, Ватан ҳимоячилари кўнига бағишлаб Тошкентдаги ҳарбий қисмларнинг бирига бориб, бу ерда хизмат қилаётган аскарлар билан яқиндан танишиб улар ҳаётида асқотадиган хар хил буюмлар, ҳарбий қисмининг кутубхонасига эса 240 донга турли мавзудаги китоблар топширилди. Жамғармамиз аскарлар учун жами 113800 сўмлик буюмлар ва китобларни байрам со-

вғаси сифатида тақдим этди. Қурбон хайити муносабати билан Со-бир Раҳимов туманидаги Чустий маҳалласида истикомат қилувчи кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар учун хайрия тадбири ўтказилди. Бир неча ёши улуг беморлар ва муҳтожлар холидан хабар олинди, уларга қийим-кечак ва бошқа совғалар топширилди. Жами байрам тадбири учун 87.370 сўм маблағ сарфланди.

Жамғармамиз шунингдек бошига мусибат тушиб биздан кўмак сўраб муружат қилганларга ҳам имкон қадар ёрдам бериб келмоқда. Масалан Дилором Эшоновага 5.000 сўм, Муҳаммадсобиет Аскарқўжеевга 20.000 сўм пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари берилган бўлса, Ҳамза туманида яшовчи, бир йўла 3 нафар эгизак фарзанд кўрган Ниғмонжон Умарқўжеев оила-си 30.000 сўм пул ва уларнинг фарзандлари номига болалар мақсадли жамғарма дафтарчаси очтирилиб, хар бирларига 10.000 сўмдан маблағи ўтказиб берилди.

Айни Наврўз байреми ўтаётган кунларда барча туманларда туман ҳокимликлари ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда кам таъминланган, муҳтож оилалар ва ногиронлар тўқин дастурхон атрофига тақвиф қилинмоқда, совға-саломлар, хайрия ёрдамлари кўрсатилмоқда. Сумалак ва халим каби баҳорий таомлар тайёрланиб, таниқли санъаткорлар, хонанда ва созандалар, сўз усталари улар хизматига бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан барча ўтказиладиган хайрия-саховат тадбирлари учун Қарияларни қадрлаш йилда 5.000.000 сўмлик маблағ сарфланади.

Яна шу нарсани мамнуният билан айтиб ўтишни истар эдимки, Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги нишонланадиган кутлуғ кунларда хозирда анъанага айланиб қолган — жойлардаги туман ҳокимликлари ва маҳалла кўмиталари билан ҳамкорликда «Наврўз» тантаналар уйда шаҳримиздаги энг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг ўн бир нафар йигит-қизларининг никоҳ тўйларини ўтказиб берамиз.

Кутлуғ ва фарахбахш кунларимиз хақида шубҳа, осмонимиз мусаффо, хонадонларимиз тинч-осойишта, файзу баракага тўлик бўлсин.

Шоира МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди.

ҚУЙЛОВЛАР Самимий табрикларимиз Сизга

Анатолий КАСЬЯНЕНКО,
Украиннинг ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси:

— Мен қардош ўзбекистон халқини баҳор ва янгиланиш байрами бўлмиш Наврўзи олам билан чин юракдан табриклаш имконияти туғилганидан беҳад хурсандман.

Наврўз байрами кишилар кўнглида соф туйғу ва яхши ниятларни қуртак ортиради. Меҳмондўст мамлакатингизнинг хар бир фуқаросини мустаҳкам, мустақил, илгор ва тинчликсевар давлатни барпо этишга ундайди. Бизни ўзбекистоннинг самарали бозор иқтисодиётини шакллантириш, кишиларнинг турмуш тарзини кўтариш йўлидаги ишончли ва дадил қадамлари қувонтирмоқда. Биз ўсиб келаётган ёш авлод, кесаларни қадрлаш, уларга кўмаклашиб юксалдан давлатнинг доимий гамхўрлигининг гувоҳимиз.

Ажойиб баҳор байрами — Наврўз меҳнаткаш, кўп миллатли ва саховатпеша ўзбекистон халқига фаровонлик ва бахт келтирсин. Сизларнинг саҳий заминингизда доимо тинчлик, тотувлик ва барқарорлик ҳукм сурсин.

Чжан ЧЖИМИН,
Хитой Халқ Республикасининг ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси:

— Қадимий ва ҳамisha навқирон Наврўз байрами арафасида Хитой Халқ Республикаси элчихонасининг барча ходимлари номидан ўзбекистон халқини кириб кела-

ётган баҳор айёми билан чин кўнгиладан муборакбод этаман.

Наврўз байрами, бу — уйғониш фасли бўлмиш баҳорнинг бошланиши. Унда жуда кўп янгиланишлар юзага келади. Мен янги йилда ўзбекистон мамлакатига янада кўпроқ тараққиётга эришиш, унинг хар бир оиласига эса бахт ва порлоқ истиқбол тилайман. Шуни истардимки, Хитой ва ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстлик тобора ривожланиб бораверсин.

Рони Хидоят ГАСТИНА,
Индонезиянинг ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси:

— Наврўз айёмини биз ҳам кўп миллатли ўзбекистонликлар қаторида дилдан қарши оламиз, чунки бу байрамда нафақат табиат ўзгача чирой очади, балки кўнгиллари ҳам завққа тўлади. Чунки мазкур байрамнинг диёрингизда қадимий ва умумхалқ байрамларидан бири сифатида кенг нишонланиши бу элнинг азалдан юксак маданиятга бой юрт эканлигини дарак беради. Зеро ана шу байрамларнинг ўтказилиши асосида унинг қадимги урф-одатлари, маданияти ва тарихи бугунги кунгача сақланиб келмоқда.

Кириб келаётган Наврўз айёми муносабати билан Индонезия элчихонаси ходимлари ва шахсан ўз номидан ўзбек халқини самимий муборакбод этаман. Юртингизда ҳамisha тинчлик, осойишталик ҳукм сураверсин.

Йилларга татисин

• **Эркин АЛИМУХАМЕДОВ,**
Ўзбекистон Қахрамони:

— Умрбоқий, ҳамisha навқирон Наврўзи оламининг кириб келиши дилларимизга сурур бағишлайди, шундай файзли байрамимиз борлигидан қалбимизга гурур тўлиши, шубҳасиз. Албатта, баҳор айёмининг кутлуғ кунларида ҳамшаҳарларимизга энг эзгу ниятлар тилайман. Наврўз — янги куннинг кириб келиши элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳамюртларимиз сафини янада оширсину мустақил диёримиз довуғи бундан-да кенгроқ ёйилсин. Энг муҳими халқимизнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати, садоқати йўқолмасин. Қарияларни қадрлаш йилининг муваффақиятлари ўнлаб йилларга татисин. Айём суруридан янашаган дилларингиз ҳамisha шундай бегуборлигича қолсин.

Дилларга кўчади

• **Ҳамит КАЮМОВ,**
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи:

— Дунёдаги жуда кўплаб халқлар Наврўз айёмига ҳамisha ҳавас қилади. Ана шунинг ўзи ҳам нақадар ажойиб, ўзига хос қадимий, лекин йиллар ўтгани сайин ёшараётган кутлуғ кунимизга бўлган меҳр-муҳаббатимизни янада жўш урдиради. Албатта, яхши кунда қалбингизда энг ардоқли тиллақлар тилга кўчади. Истардимки, Наврўз мисол гўзаллик, поки-залик, умри боқийлик барчамизга ошно бўлсин. Шодийнани хар биримиз меҳнатимиз, меҳр-муҳаббатимиз билан безайлик. Бир сўз билан айтганда, хар кунимиз Наврўз бўлсин.

Ибрагим ХИКОЯТЛАР

Умар Хайёмнинг «Наврўзнама» асари узок тарихимиздан Наврўз байрамнинг келиб чиқишидан, шунга боғлиқ аждодларимизнинг урф-одатларидан хикоя қилади. Хусусан ушбу рисолада бир қатор одатлар тарихига тўхталиб аялнинг минг дардга даволиги ва қаламининг таъриф-таъсифи ҳақида ҳам тушунтиришлар берилган. Қуйида улардан баъзи тафсилотлар ва хикоятлар келтирилди.

Донолар арпанинг яхши аломати бор деб ҳисоблаганлар, чунки арпанинг фойдаси кўп. У егулик бошқа ҳамма донлардан тез пишди. Қирқ кун ичида омбордан омборга тушади. Қаерга ташлама у ҳамма ерда унади ва барча ўсимликлардан тезроқ кўради. Арпа дорилликка ҳам, емаска ҳам ярайди. Айтишларича, уни еганда қон ҳеч қачон бузилмайди ва томилдан қон олишга ҳожат қолмайди. Ироқ табиблари уни «Ажаб қутлуг дон» дейдилар. У 24 кил касалликларни даволашда фойдалидир. Агар ой тутилган пайтда арпа сепилса, ундан қилинган нон телбаларга шифо бўлади. Арпа сепилаётган пайтда ой катталашиб, Зухрога қарама-қарши турса ва ориқ от шу арпани еса у семиради. Йилнинг яхши ва ёмон келиши ҳам арпага қараб аниқланади. Агар арпа бошоғи тик ва қалин ўсса бу йил серҳосил, агар қийшиқ, яқкан-дўкан ўсса, демак йил кам ҳосил бўлади. Пайгамбарларимиздан бири «Нонлар ичида энг яхши нон — арпа нони, ким унга қаноат қилса, у уни тўйдирди, чунки бу менинг номим, барча пайгамбарларнинг нони», — деган экан.

ХИКОЯТ. Кунлардан бир кун Хусравнинг отаси Хурмуз арпа экилган дала олдидан ўтиб бораётган экан. Арпазор суғорилаётган бўлиб, тошиб кетган сув йўл устига оқиб чиққан эди. Арпа дони шарофатли, пояси эса қутлуг деб у ичиси учун бир кўзага сув тўлдириб олишни буюрди. Чунки Хурмуз арпазордан сизиб чиққан сув чарчокни қамайтириши ва қорин оғриғига даво, уни ичган одам кейинги йил арпа пишгунга қадр касалликлардан ҳамда чанқоқ азобидан ҳам ҳоли бўлишини яхши биларди.

ХИКОЯТ. Кунлардан бир кун Шамс-ул-мулк Қобус Вушмағирга бир одам сарой дарвозасидан яйдок от етаклаб кирганини ва уни ўз экинзоридан тутиб олдим деганини хабар қилдилар. «Арпазордан ёки буғдойзорданми?», деб сўради у. У одам: «Арпазордан», деб жавоб берди. Шунда Шамс-ул-мулк Қобус Вушмағир от эгасини олиб келишни буюрди. Ундан пишган арпа нархи қийматида жарима ундириб, агар деҳқонлар арпани яхши бўлсин десалар, уни отга шу пайтда берсинлар, аммо биз от эгалари ўзгаларнинг экинзорига отларни қўйиб юбормасинлар деб, алаб бермоқ учун жарима олди. Чунки арпа пайгамбарлар оқватидир. Зеро, дин уларнинг ёрдамида қарор топади, яна арпа чорва емиди. Подшоҳлик эса шуларнинг ҳаммаси билан барқарор, дея ер эгасига ундирилган жаримани берди.

ХИКОЯТ. Айтишларича, пайгамбарларимиздан бири буғдой еб қўяди, аммо у буғдойдан қанча емасин тўймас эди. Шунинг учун у Оллоҳ таолодан илтижо қилди ва у арпа юборди. Ундан нон қилиб егач тўйди. Шундан сўнг у агар яшил ва янги арпани кўрса яхшиликка йўярди. Шу сабабли Ажам подшоҳлари ҳар йили Наврўзда фойдаланиб ва қутлуг бўлгани учун арпадан баҳраманд бўлишни истар эдилар.

Донишмандлар қаламини мулк беағи ва қалб мактуби деганлар. Қаламнинг сўз балансида жонга ўхшайди ва сўз қалам билан бирлашгандан сўнг бадан қўшилиб абдий сақланади. У худди чақмоқ тош ва пўлатдан осонликча чиқмайди ва учқундан дарҳол нурга айланмайдиган оловга ўхшайди. Ёзувнинг қизиллиги қўлни узук ва муҳр беағи билан беади, чунки Ажам подшоҳлари кўрдиларки қилич мамлакатни олди ва бошқариш асосларини қурди, қалам бўлса мулк тақдирини белгилаб бошқарув қонунларини сақлайди ва буларнинг иккиси ҳам истеъдодга боғлиқдир.

ХИКОЯТ. Аждодларнинг ривоятларига қараганда, бир вақтлар бир амир форс ҳукмронлигига тиг билан элчи юборди ва унга айтдики: «Бу тигни ҳукмронга олиб бориб олдиға қўй, лекин ҳеч нарса дема».

Элчи борди ва шундай қилди. У ҳеч нарса демай тигни қўйганда ҳукмрон вазирага жавоб беришни буюрди. Вазир бўлса қаламдон қопқоғини очди-да у томонга битта қалам отиб деди: «Мана жавоб», деди.

Элчи ақли одам эди, у қандай жавоб берганларини тушунди: «Қаламининг мамлакатдаги ҳаққонийлик ва тартибсизликларга таъсири жуда кучли. Қалам соҳиби бўлган вакиллари қадрлаш зарур».

ХИКОЯТ. Банно Хусравнинг бирорлари Фаҳр ул-давла Нишопурга қочган эди. Соҳиб уни ўз мактубларидан итотсиз деб қаттиқ койир эди. У соҳибга ёзган эди: «Сенда тиг, менда бўлса қалам. Қўрамин қайси бири кучлироқ экан». Соҳиб унга жавоб ёзди: «Тиг кучлироқ, лекин қалам юксакроқ. Ўйлаб кўр, қайси бири афзалроқ». Фаҳр ул-давла бу номани Шамс ул-маълийига кўрсатди. Қобус Вушмағир бу номага ёзиб қўйди: «Кимнинг кўнгли тўғри бўлса омонда, аллаб бўйин товламаса шарманда».

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси маълумотиға кўра 21 март куни Наврўз байрами тадбирлари ўтказилиши муносабати билан соат 07.00 дан 22.00 гача қуйидаги кўчалар транспорт ҳаракати қатнови учун ёпилади:

— Халқлар дўстлиги кўчаси — Мукимий кўчасидан А.Қодирий кўчасига қадар; А.Хўжаев кўчаси — С.дарвоза кўчасидан Ўзбекистон кўчасига қадар; Ўзбекистон кўчаси — Халқлар дўстлиги кўчасидан Мовароуннахр кўчасига қадар; Бобур кўчаси — Б.Бобоев кўчасидан

Тошкентликлар диққатига!

Олмазор кўчасига қадар; Т.Тўла кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Олмазор кўчасига қадар; Абай кўчаси — А.Навоий кўчасидан Т.Тўла кўчасига қадар (жамоат транспортти А.Навоий кўчаси томонидан «Пахтакор» шохбекатига қадар ҳаракатда бўлади); Ш.Рашидов кўчаси — А.Навоий кўчасидан Афросиёб кўчасига қадар; М.Отатурк кўчаси — А.Навоий кўчасидан Ўзбекистон кўчасига қадар; А.Темур кўчаси — А.Темур хиёбонидан А.Навоий кўчасига қадар; Пушкин кўчаси — А.Темур хиёбонидан Шахрисабз кўчасига қадар; Мусахонов кўчаси — А.Темур хиёбонидан Шахрисабз кўчасига қадар; И.Охунбобоев кўчаси — А.Темур хиёбонидан Шахрисабз кўчасига қадар; Мовароуннахр кўчаси — А.Темур хиёбонидан Яққачинор кўчасига қадар; Шевченко кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Яққачинор кўчасига қадар; Буюк Турон кўчаси — Афросиёб кўчасидан Х.Су-

лаймонова кўчасига қадар; Зарқайнар кўчасидан тоннелга кириш йўли; Т.Расулов кўчаси — Халқлар дўстлиги кўчасидан Қозиробод кўчасига қадар ёпилади. **Хадра майдони, Навоий театри майдони, Сайилгоҳ кўчаси, Бобур боғи, Улуғбек хиёбонлари**га туташ кўчаларда халқ сайилари вақтида вазият тақозо этганда транспорт воситаларининг қатнови тўхтатишга рухсат этилади. Шароит тақозо этганда бошқа кўчаларда ҳам қисқа муддатта ҳаракатланишни чегаралаш кўзда тутилади.

«Богистон» давлат кичик корхонаси мулкчилик шакли ўзгаргани муносабати билан тугатилди. Эътирозлар ва тақлифлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 74-20-72 телефони орқали қабул қилинади.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулда босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

МУШОИРА

Пўлат МҮМИН,
Ўзбекистон халқ шоири

Ўргулайин Наврўзимдан

| | |
|--|--|
| Ўргулайин кулиб келган Наврўзимдан, Кўшиқ айтгим | Гуллар ранги, Кувончларим сезилмасми |
| келаверар | Юз-кўзимдан, Кўшиқ айтгим |
| Ўз-ўзимдан, Бунча тотли момоларим Сумалаги, Кечаларим нур олдилар Кундузимдан. | келаверар |
| Камалакдай товланадир | Ўз-ўзимдан, Ўргулайин кулиб келган Наврўзимдан |

Сумалагим-сумалагим

| | |
|---|---|
| Наврўз келса соғлигимга Энг керагим — сумалагим. Бир яласам келаверар Ўн ялагим сумалагим. | Бойчечагим — сумалагим. Ўтлоқларда келар ўйнаб Юмалагим, сумалагим. Ўртоқларга тўлди доим Теварагим, сумалагим. |
| Сумалақдан кулар эмиш Кўп тилагим — сумалагим. Увотларда очилдилар | Бир яласам келаверар Ўн ялагим сумалагим... |

Ой қизидай

Наврўз онам кўёш қизи, ой қизидай,
Ясансалар бўладилар бой қизидай.
Тез чиқайлик Наврўз опам йўлларига,
Гулдасталар тутқазайлик кўлларига.
Севингандан ҳар томонга чопажакмиз,
Устларига заррин лимбо ёпажакмиз.
Ана-ана елмоқдалар, Наврўз опам,
Ана-ана, келмоқдалар, Наврўз опам.

Бошлайлик гурунглр

| | |
|---|---|
| Табиат уйғонгай, Севинчдан тўлғонур, Ниҳоллар кўкаргаёй, Эл қаддин кўтаргай — Наврўзда — Наврўзда. Ҳар томон кўркамлиқ, Тантилик — ўктамлик. Мўъжиза сезилгай, | Кўёш ҳам севингай — Наврўзда, Наврўзда. Нур бўйи, тун бўйи Таралгай гул бўйи Юринглр — юринглр Бошлайлик гурунглр Наврўзда, Наврўзда. |
|---|---|

Биз болажонлар

| | |
|--|---|
| Бизлар лола ёнокмиз, Кувноқлардан кувноқмиз, Чин кўнгилдан ўртоқмиз — Кизлармиз, ўғлонлармиз Бизлар болажонлармиз. Сўзлари энг бийронлар, Чопқиллаган жийронлар, Чаққонлар-у полвонлар, | Кизлармиз, ўғлонлармиз, Бизлар болажонлармиз. Келажакнинг эгаси, Бахт боғининг меваси, Чаманларнинг жилваси — Кизлармиз, ўғлонлармиз, Бизлар болажонлармиз. |
|--|---|

БҮШ ВАҚТИНГИЗДА

АЙЛАНАМА СКАНВОР

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

Тошкент шаҳридаги иссиқлик энергияси истеъмолчилари диққатига!
Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия бош бошқармаси томонидан 1 Гкалорияга қўшилган қиймат солиғисиз 3555 сўм 85 тийин миқдорда улгуржи тарифнинг тасдиқланшига (2002 йил 1 февралдаги 01-3-60 сонли) мувофиқ равишда «Тошиссиқкуват» ишлаб чиқариш бирлашмаси 2002 йил 10 апрелдан бошлаб март ойи учун ҳисобларни юқорида кўрсатилган тариф бўйича ҳисоблашни бошлайди.

«Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси Хадра майдони

ЦИРК
НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ
ва ўқувчиларнинг таътил кунларида 23 мартдан 31 мартгача
«МИККИ-МАУСНИНГ ТУФИЛГАН КУНИ»
севимли мультфильмлар меҳмонлари иштирокида баҳорги эстрада-цирк томошалари
Томшалар:
иш кунлари 11.00, 14.00, 17.00 да;
21 мартда: 12.00, 15.00, 18.00 да; дам олиш кунлари эса 11.00, 14.00, 17.00 ва 19.30 да бошланади.
3 ёшгача бўлган болалар учун кириш бепул!
Маълумотлар учун телефонлар: 144-32-23, 144-29-04, 144-35-91.

Бу ажиб дунё

Узун бўйлилар учун

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, голландияликлар Европадаги энг баланд бўйли кишилар экан. Йилдан йилга уларнинг бўйлари ўсиб бормоқда.
Уз ватандошларининг қийналмасликлари учун курувчилар янги йилларга баландлиги 2 метру 12 сантиметр бўлган эшикларни ўрнатишга киришдилар.

Мамлакат муниципал қурилиш бирлашмаси вакилининг айтишича, бу янгиликка янги уй олаётган кўпбалоналарнинг тақлифлари туфайли киришилган.

Соатиға 4-5 километр тезликта

Тайланд пойтахти маъмурияти аҳолини транспорт ўрнига кўпроқ велосипедлардан фойдаланишга қачирмоқда. Шунинг учун шаҳар кўчаларида велосипед учун махсус йўللр қуриш бошланди. Негаки, Бангкок шаҳри кўчаларида транспорт ҳаракати тизиг бўлиб, у ерда оддий кунларда тезлик соатиға атиги 4-5 километрни ташкил этади, холос.

Тасвирни симсиз узатади

«Сони» корпорацияси тасвирни симсиз узатуви янги видеокамера яратилганини эълон қилди. Бу технология турли қурилмалар, масалан, видеокамера, телефон ва компьютерларнинг ўзаро «мулоқот»да бўлишига имкон беради. Янги камера Интернет ва уяли телефон тармоғига уланшига тўла шайлиги айтилмоқда. Видеокамера олинган тасвирларни мустақил тарзда уяли телефон орқали Интернет тармоғига узатиши мумкин. Янги қурилманинг имконияти шунга эмас. «Сони» компаниясининг янги аппарати билан тармоқ орқали худди компьютер сингари «мулоқот»га киришса ҳам бўлади. Аммо бу асбобнинг нархи ҳам ўзига яраша — у 1600 доллар атрофида баҳоланмоқда.

Оммалашган атам

Кундалик турмушимизга сингишиб кетган одеконнинг пайдо бўлиш тарихини биласизми? Маълум бўлишича, Германиянинг Кельн шаҳрида 1709 йилда ўткир хидди сув сотила бошланди. Кейинчалик французлар ушбу маҳсулотни «Кельн суви», яъни «одекон» тарзида талаффуз этидиган бўлишди ва бу атам оммалашиб кетди.

Халоскор мушук

Молдованинг Окница шаҳрида яшайдиган эллик саккиз яшар аёл Мария Чаос мушукни ўзининг халоскори деб билади. Мушук уни нариги дунёдан қайтарган, шундан сўнг, жониворнинг ўзи жон таслим қилган.

Воқеа бундай бўлган: Мария Чаос одатдагидек уйда рўзгор юмушларини бажариб юрганда кўқисдан кўрагида қаттиқ оғриқ туриб, ҳушини йўқотиб йиқилди. Дардинг зўридан у ўлаётганини зўра хис этиб, ҳаёт билан видолашиш чоғи этганини англади. Шу пайт унинг суюкли мушуги бехуш ётган бекасининг кўрагига чиқиб, қулча бўлиб, айни оғриқ тутган жойга ўтириб олади. Бахтга қарши бу пайт уйда ҳеч ким бўлмади. Бека шу ётганда бир кун ётади. Қариндошлари хабар топиб, уйга киришганда Мариянинг кўрагида тош қотиб ўтирган мушукни кўришади. Касалхонада беморга тиббий ёрдам кўрсатишади. Мушук эса ўлади. Бекасининг иқдор бўлиб айтган гапларига қараганда, унинг тирик қолишига мушуги сабаби бўлган экан. Жонивор стенокардияга учраган бемор аёлнинг кўрагига йиғилган зарарли энергияни шундоқ «ўзига тортиб олган». Бекасининг дардини олган мушук «ортиқча юк»ни кўтара олмади жон берган.